

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАДИМЕТОВА ГУЛЧЕХРА МАМУРОВНА

МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Шадиметова Гулчехра Мамуровна

Миллий байрамларнинг эстетик хусусиятлари 3

Шадиметова Гулчехра Мамуровна

Эстетические особенности национальных праздников 21

Shadimetova Gulchehra Mamurovna

Aesthetic features of national holidays 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАДИМЕТОВА ГУЛЧЕХРА МАМУРОВНА

МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fal128 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қорабоев Усмон Ҳосилович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 23 сентябрь соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87-ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил 13 сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил 13 сентябрдаги № 27 рақамли реестр баённомаси).

И. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёс.ф.д., профессор

Г.М. Рузматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

О.Ж. Нишонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари асрлар давомида шаклланган маданий ва эстетик қадриятлар тизими ривожига таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам турли халқ, миллат ва элатларнинг эстетик қадриятлари асосини ташкил этувчи миллий байрамларнинг трансформацияси намоён бўлмоқда. Бу эса, байрамларни инсоният босиб ўтган тарихий ўзгаришлар идентификацияси моҳиятини чуқур англаш ҳамда келажакка катта умид билан қадам қўйишга ёрдам берувчи восита сифатида асраб-авайлашга ундалмоқда. Натижада, миллат ва элатга хос хусусиятларни сақлаб қолиш, уни қайта тиклаш ҳамда янада ривожлантириш борасидаги саъй-харакатлар халқаро даражада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказлари байрамларнинг фалсафий моҳияти, уларнинг эволюцияси ва маданий хусусиятлари юзасидан муҳим тадқиқотлар олиб бормоқда. Жумладан, қатор ривожланган мамлакатларда байрамларга ретроспектив, герменевтик, социоантропологик, бадиий-эстетик ёндашиш принциплари ишлаб чиқилмоқда, байрамларнинг халқ турмуш тарзидаги аҳамияти тизимли ўрганилмоқда. Хусусан, Гарвард университети Марказий Евроосиёни ўрганиш жамиятининг етакчи олимлари томонидан ўзбек халқи байрамларининг генезиси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, миллий ўзликни шакллантиришдаги аҳамияти бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамида сўнгти йилларда театрлашган, мусиқали-хореографик бадиий композиция шаклида намойиш этилган тадбирлар жаҳон байрамшунослари томонидан юксак баҳоланмоқда. Зеро, «Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шахрисабз шаҳрида халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Куни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд рух билан ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бетакрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намоён этди». ¹ Шу нуқтаи назардан, давр талабига биноан Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-харакатларни янада кучайтириш ҳамда самарали давом эттириш мақсадида, миллий байрамлар ва муҳим саналарни тантанали нишонлаш бўйича давлат миқёсида қарорлар қабул қилинаётгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори йўлида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармони, 2020 йил 17

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига багишлиланган тантанали маросимдаги нутки. – <https://aza.uz/uz/posts/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019>.

декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-4926-сон, 2021 йил 26 мартағи «Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5039-сон қарорлари ҳамда мавзуга доир бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқимизнинг қадимги байрамлари ҳақида дастлабки маълумотлар кўхна Шарқнинг ёзма мероси «Авесто» китобида баён қилинган. Шунингдек, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошгари, Юсуф Хос Хожиб, Мирзо Улуғбек, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём² каби алломаларимизнинг асарларида ҳам миллий байрамларимизнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Хориж олимларидан Д.М.Генкин, А.И.Мазаев, И.Хейзинга, Г.Г.Гадамер, М. Хайдеггер³ ва бошқалар байрамларнинг ғоявий, ахлоқий ва эстетик хусусиятларини тадқиқ этганлар. Натижада, байрамларнинг халқ маънавий хаётида тутган ўрни турли тадқиқотларда ўз аксини топа бошлади, уларни илмий тадқиқ қилишнинг умуммиллий, умумназарий асослари яратила бошланди.

Ўтган асрлардан бошлаб, Ўрта Осиёни ўрганган хорижий сайёҳларнинг кундаликлари ва илмий тадқиқотларида⁴ миллий байрамларимиз, уларнинг нишонланиши, турмуш тарзимиз билан боғлиқ удумлар тарихий-этнографик жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг хорижликларда Ўзбекистоннинг янги даврдаги маданий сиёсати ҳамда глобаллашув даврининг ўзбек маданий мухитига таъсири борасидаги масалалар қизиқиши уйғотди. Жумладан, Лаура Адамснинг «Ажойиб мамлакат: Ўзбекистонда маданият ва миллий ўзликни

² Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1 жилд.– Тошкент: Фан, 1968; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993; Маҳмуд Қошгари. Девони луғатит турк. – Тошкент: Фан, 1963; Юсуф Хос Хожиб. Кутадгу билиг. – Тошкент: Фан, 1971; Муҳаммад Тарагай Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Фан, 1993; Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. 1 жилд.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975; Умар Хайём. Наврӯзнома. – Тошкент: Фан, 1990.

³ Генкин Д.М. Массовые праздники. – М.: Просвещение, 1975; Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. – М.: Наука, 1978; Хейзинга Й. Осень средневековья. – М.: Наука, 1988; Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство, 1991; Хайдеггер М. Время и бытие: статьи и выступления. – М.: Республика, 1993.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. –СПб: Б.И., 1865; Толстов С.П. Древняя культура Узбекистана. – Ташкент: Уздаврнашр, 1943; Бартольд В.В. Общие работы по истории Средней Азии. История Туркестана. В 4 т-х. Т.1–2. – М.: Наука, 1965; Васильев Л.С. История религии Востока (религиозно-культурные традиции). – М.: Высш.шк., 1983; Бичиран И.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.: Наука, 1950.

англаш»⁵ китобида 1991-2002 йилларда юртимизда миллий ўзликни англашнинг манзараси, миллий ғоя ва мустақилликнинг ўзаро алоқадорлиги ўрганилган. Ушбу китобда миллий байрамлар – миллий ўзига хосликнинг бир қисми эканлиги таъкидланган.

МДХ мутахассислари, хусусан, Россия олимлари В.Н.Попова, Е.А.Филатова, И.Н.Лаврикова, Д.Б.Бурменская, М.А.Слюсаренко, Н.Л.Юдин, Е.В.Алексеева, М.А.Медведева, Т.П.Ванченко, Н.Д.Мостицкая, А.Н.Мясников⁶ ва бошқалар байрамларнинг халқ, миллат ва элат тарихий хотираси билан боғлиқ онтологик, гносеологик, эпистемологик ҳамда экзистенциал асослари ҳақида муҳим қарашларни илгари суришган.

Марказий Осиё давлатларида ҳам миллий байрамларнинг илмий фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қозогистонлик олима Р.К.Садикова кўп асрлик тарихга эга бўлган, қадимдан минтақада байрам сифатида нишонланаётган Наврӯз байрамининг тарихий келиб чиқишига эътибор қаратиб, бу байрамнинг кўплаб анъаналар билан боғлиқлиги, ёшлар тарбиясига ижобий таъсири масаласини ўргангандан.

Ўзбекистон тарихчи, маданиятшунос, файласуф олимлари ҳам миллий байрамларнинг ҳозирги замондаги аҳамиятини асослашга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Б.Шодиев, А.Эркаевлар тадқиқотларига кўра, миллий байрамлар маданий қадрият ва санъат дурдонаси сифатида ўрганилган. Т.Сайдбоев, О.Бўриев, Т.Мирзаевлар тадқиқотларида миллий байрамлар халқ фольклори, урф-одатлар ва диний-бадиий асосда нишонланганлиги тадқиқ этилган. Н.П.Лобачева, К.Хоназаров, М.Сатторларнинг илмий ишларида миллий байрамлар янгича урф-одатлар ва уларнинг миллийлик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганилган. Т.Махмудов, М.Қодиров, Ж.Туленов, Р.Абдуллаевлар⁷ тадқиқотларида

⁵ Adams L. L. The spectacular state: Culture and national identity in Uzbekistan. – Duke University Press, 2010.

⁶ Попова В.Н. Праздник как форма культурной памяти : государственные праздники России XXI века.: автореферат дис. ... кандидата культурологии. - Екатеринбург, 2011; Филатова Е.А. Праздник как ритуально-игровое событие : автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Тюмень, 2013; Лаврикова И.Н. Политический праздник: культурфилософский анализ: автореферат дис. ... доктора культурологии. – М., 2015; Бурменская Д.Б. Праздник как средство самосохранения социальной группы: автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Чита, 2011; Слюсаренко М.А. Праздник как объект философской рефлексии: онтологический статус и экзистенциальный смысл: автореферат дис. ... кандидата философских наук. – Кемерово, 2007; Юдин Н.Л. Социальный смысл праздника: автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Иваново, 2006; Алексеева Е.В. Тенденции развития профессиональных праздников в современной культуре: автореферат дис. ... кандидата культурологии. - Санкт-Петербург, 2008; Медведева М.А. Аксиология концептуальных обоснований праздника: культурфилософский аспект: автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Тамбов, 2009; Ванченко Т.П. Культуролого-антропологические основания праздника: семантико-семиотические аспекты: автореферат дис. ... доктора философских наук - Тамбов, 2009; Мостицкая Н.Д. Праздничное и повседневное в коммуникативном пространстве культуры : сущность, содержание, функциональность: автореферат дис. ... доктора культурологии. – М., 2019; Мясников А.Н. Праздничная культура Бельгии как фактор сохранения этнокультурной идентичности: автореферат дис. ... кандидата культурологии. – М., 2019.

⁷ Шодиев Б. Наврӯз байрами. – Тошкент: ЎМЭ, 2001; Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Тошкент: Маънавият, 1997; Назаров К. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент; ЎФМЖ, 2004; Сайдбоев Т. Ислам и общества. – М.: Наука, 1978; Бўриев О. Наврӯз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990; Мирзаев Т. Рӯза ва ҳайит намозлари. – Тошкент: Фан, 1991; Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. – М.: Наука, 1975; Хоназаров К. Ижтимоий ҳаёт ва янги урф-одатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987; Сатторов М. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Адолат, 2004; Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 2000; Қодиров М. Томоша санъати. – Тошкент: Фан, 1993; Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998;

миллий байрамларнинг шаклланиш тарихи, ахлоқий моҳияти, ғоявий-эстетик асоси кўрсатиб ўтилган. Айниқса, У.Қорабоевнинг⁸ илмий изланишларида халқимизнинг илк байрамлари, маросимлари тарихи, уларнинг турлари ҳамда замонавий байрамлар ҳақида маълумотлар батафсил келтирилган.

Мазкур тадқиқотлар маънавий қадриятларимизни бойитадиган илмий-назарий манба эканлигини эътироф этган ҳолда, миллий байрамларнинг эстетик хусусиятларини алоҳида ўрганиш, айниқса, мустақиллик шарофати билан қайта тикланган ва янгидан шаклланган байрамларнинг эстетика соҳасида муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлган бадиий шаклларини замон талаблари асосида ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Эстетика назарияси ва тарихи масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий байрамларнинг генезиси ва тарихий-фалсафий эволюциясини эстетик категориялар тизими асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий байрамларнинг эволюцияси (қадимдан ҳозирги давргача), унга таъсир ўтказган асосий эстетик элементлари («бадиий фон», «байрамона кайфият», «бадиий яхлитлик») ва этномаданий, эвдоманистик сингари эстетик белгиларини илмий асослаш;

миллий байрамларнинг ижтимоийлашаётган ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи гедонистик, ворислик, компенсаторлик каби эстетик функцияларини очиб бериш;

ўзбек халқи байрамларини ёшларнинг миллий маданиятини ривожлантириш масалалари – ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, зиёлилик, меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик, жўмардлик, ўзбекона меҳмондўстлик, гўзаллик–хунуклик, улуғворлик–тубанлик, фожиавийлик–кулгилилик каби ахлоқий-эстетик категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида очиб бериш;

ўзбек халқи байрамларида инсон энг олий қадрият эканлигини ифодаловчи умуминсоний ғояларни акс эттирувчи оммавий тадбирларнинг ёшлар эстетик маданиятини юксалтиришга таъсирини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида ўзбек халқи миллий байрамлари ҳамда оммавий тадбирлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини миллий байрамларнинг эстетик хусусияти

Абдуллаев Р. Обряд и музыка. В контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент: Наука, 2006.

⁸ Корабоев У. Бадиий оммавий тадбирлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Бўш вақт ва дам олиш маданияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989; Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Табиат байрамлари. – Тошкент: Меҳнат, 1998; Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002; Одатнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

ҳамда эволюцияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, кузатиш усулларидан, шунингдек, тарихийлик, мантиқийлик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

миллий байрамларнинг эстетик жиҳатдан эволюцияси (қадимдан ҳозирги давргача), унга таъсир ўтказган тарихий тараққиёт натижалари, ижтимоий-маданий жараёнлар, давр руҳи билан боғлиқ эстетик элементлари («бадиий фон», «байрамона кайфият», «бадиий яхлитлик») ва этномаданий, эвдоманистик сингари эстетик белгилари очиб берилган;

миллий байрамлар халқларнинг ижтимоийлашуви маҳсули сифатида миллат қиёфасини акс эттириб, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини намоён этиши, уларни қадриятлар тизимиға таъсир кўрсатиши, ворисийликни таъминлашдаги эстетик мушоҳада, эстетик завқ, эстетик қизиқиши, эстетик дид ҳамда эстетик идеалларни шакллантиришдаги аҳамияти, миллий байрамларни акс эттирадиган рамзларнинг бадиий-эстетик хусусиятларига кўра фалсафий мақомга эга бўлиши очиб берилган;

ўзбек халқининг миллий байрамлари замиридаги гўзаллик, турмуш тарзи тараққиётининг барча босқичларини қамраб олиши, мавсумий меҳнат жараёнлари билан боғлиқ маросимларни ўзида акс эттириши ҳамда табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ диний маросимлардаги табиат ва инсон уйғуналигига асосланган мезонларда умуминсоний қадриятлар руҳида эстетик мазмун билан бойитилган улуғворликни акс эттириши очиб берилган;

миллий байрамлар ўзининг эмоционал томошавийлик самараси билан жамиятдаги шахслараро мулоқот, бирдамликни таъминлаш билан боғлиқ ижобий муносабатларни тартибга солиш, оммавий тадбирлар шахслараро муносабатларни шакллантириш ва шу муносабатларни ифодалаш, фуқароларнинг оммавий фаоллиги ҳамда маънавий ўзгариш даражасини аниқлаш, бу жараёнда юзага келадиган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни жалб қилиш каби талабларга жавоб бериши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

миллий байрамларнинг трансформациян хусусиятлари ва эстетик эволюцияси, шахс бадиий-эстетик тарбиясига таъсир этиш омиллари асосланган;

ўзбек халқи миллий байрамларининг ахлоқий ва эстетик категориялар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда назарий-эстетик тамойилларининг такомиллашиб бориш тенденциялари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотни амалга оширишда расмий манбалар, ишончли далилларга таянилганлиги, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатида бўлган маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган

натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган ғоялар ва хуносалардан ахлоқшунослик, эстетика, этномаданиятга оид илмий тадқиқотлар ҳамда фалсафа, эстетика, ахлоқшунослик, этномаданият фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, шунингдек, гуманитар фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларидаги маъruzаларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, миллий байрамларни тарғиб этувчи маданий-маърифий дастурларда, Ўзбекистондаги миллий маданият марказларида, маҳаллаларда, таълим-тарбия даргоҳларида, ижодий уюшмалар ҳамда ассоциациялар амалий фаолиятларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий байрамлар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаси асосида:

миллий байрамларнинг эстетик жиҳатдан эволюцияси (қадимдан ҳозирги давргача), унга таъсир ўтказган тарихий тараққиёт натижалари, ижтимоий-маданий жараёнлар, давр руҳи билан боғлиқ эстетик элементлари («бадиий фон», «байрамона кайфият», «бадиий яхлитлик») ва этномаданий, эвдоманистик сингари эстетик белгиларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 14 августдаги 02-16/3786-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётта жорий этилиши ўзбек халқи миллий байрамларини мақсадли ҳамда самарали ўтказилишига хизмат қилган;

миллий байрамлар халқларнинг ижтимоийлашуви маҳсули сифатида миллат қиёфасини акс эттириб, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини намоён этиши, уларни қадриятлар тизимига таъсир кўрсатиши, ворисийликни таъминлашдаги эстетик мушоҳада, эстетик завқ, эстетик қизиқиши, эстетик дид ҳамда эстетик идеалларни шакллантиришдаги аҳамияти, миллий байрамларни акс эттирадиган рамзларнинг бадиий-эстетик хусусиятларига кўра фалсафий мақомга эга бўлишига оид хуносалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 29 августдаги 02/08-736-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларнинг миллий байрамларга нисбатан янгича билим ва ғоявий ёндашуви ривожланишига хизмат қилган;

ўзбек халқининг миллий байрамлари замиридаги гўзаллик, турмуш тарзи тараққиётининг барча босқичларини қамраб олиши, мавсумий меҳнат жараёнлари билан боғлиқ маросимларни ўзида акс эттириши ҳамда табиат

ходисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ диний маросимлардаги табиат ва инсон уйғунлигига асосланган мезонларда умуминсоний қадриятлар руҳида эстетик мазмун билан бойитилган улуғворликни акс эттиришига оид ғоялар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг тадбирлар дастурига киритилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг 2020 йил 8 июлдаги 04-13/2074-сон маълумотномаси). Натижা, тадбирларда ёшларнинг ижтимоий-маданий имкониятларини тўла намоён қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий байрамлар ўзининг эмоционал томошавийлик самараси билан жамиятдаги шахслараро мулоқот, бирдамликни таъминлаш билан боғлиқ ижобий муносабатларни тартибга солиш, оммавий тадбирлар шахслараро муносабатларни шакллантириш, шу муносабатларни ифодалаш, фуқароларнинг оммавий фаоллиги ҳамда маънавий ўзгариш даражасини аниқлаш ва бу жараёнда юзага келадиган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни жалб қилиш каби талабларга жавоб бериши зарурлигига оид таклифлардан «Эстрада ва оммавий томошалар драматургияси» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 89-03-2981-сон маълумотномаси). Натижада, берилган таклифлар ўқув қўлланма мавзуларини такомиллаштиришга, янги илмий фактлар билан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та илмий-амалий конференцияларда маъruzалар кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, обьекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлари, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «Миллий байрамларни эстетик тадқиқ

этишнинг илмий-назарий, методологик асослари» деб номланган биринчи бобида байрамларнинг назарий-методологик асослари ва эстетик моҳияти, миллий байрамларнинг вужудга келиш ҳамда ривожланиш босқичларининг эстетик таҳлили ва миллий байрамларнинг ғоявий, бадиий-эстетик асослари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Замонавий фалсафий-эстетик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқсан ҳолда «байрам» ва «миллий байрам» тушунчаларининг структуравий семантик таҳлили, уларнинг ахлоқий-эстетик моҳияти, таснифи, функциялари, ўзбек халқи миллий байрамларининг генезиси, диний, ахлоқий-эстетик ривожланиш хусусиятлари, мустақиллик йилларида ўзбек халқи миллий байрамларининг трансформациян хусусиятлари ва эстетик эволюцияси ўрганилган.

Маълумки, қадимдан байрам миллий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Байрам ҳар бир шахс учун ҳар доим аҳамиятли воқеа бўлиб, унинг ҳаёт ҳақидаги ҳиссий-рамзий ва ғоявий тасаввурларини шакллантиради. Чунки, байрам инсоннинг ҳиссиётларига ижобий таъсир қиласди. Шу боисдан ҳам байрам вақтида иштирокчилар қалбида завқли ҳистойғулар жўш уради. Умуман олганда, миллий байрамларимиз ўзга халқлар байрамларидан шакли, мазмуни, услуги, миллий руҳи, халқчиллиги, оммавийлиги, миллий ўзига хослиги, фақат ўзбекларга хос эстетик хусусиятлари билан ажралиб туради. Энг асосийси эса, ҳар йили нишонланадиган байрамлар миллий руҳ ва ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичи даражасини намоён қилиш қудрати ҳамда янги эстетик тамоийиллари билан янги қадриятлар сифатида тарих саҳифаларига кириб бормоқда.

«Байрам» тушунчаси барча халқларда ҳаётдаги муҳим воқеа ёки санани жамоа бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш маъносини ифодалайди. Руҳий-эмоционал кайфиятни, эстетик завқни вужудга келтира олгани учун байрам бошқа кунларга караганда хурсандчилик ҳолатида ўтади. Байрам кунларида унинг иштирокчиси миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъи назар, истаганча яйраши, кўнглидагини айтиши, эркин ўйнаши, кулиши, ҳазил-мутойиба қилиши мумкин⁹, деб таъкидлайди байрамшунослар. Ҳақиқатан ҳам ҳеч ким бу туйғуларни ман этмайди. Чунки, байрамнинг вазифаси одатдагидан кўра кўтаринки кайфиятни вужудга келтиришdir. Бундай кунларда барча хурсанд, эркин ва шодон бўлиши зарур. Шундагина байрам байрамдек бўлиб, ўзининг руҳий-эстетик қудратини тўла намоён қиласди. «Байрам – ҳар бир фуқаро ва бутун жамият ҳаётини акс эттирувчи ўзига хос ижтимоий ҳодиса»¹⁰, деб таъриф берган Д.М.Генкин. Бу фикрларни янада ойдинлаштириб, шундай деб ёзади: «байрам – воқелик билан санъатни уйғунлаштирувчи, у ёки бу реал ҳаётий воқеани бадиий безаб кўрсатувчи ўзига хос антиқа ҳодиса»¹¹. «Байрам дунё маданиятида йиғилган энг

⁹Гужова И.В. Целостная модель праздника как феномена культуры // Вестник Томского государственного педагогического университета. Серия: Гуманитарные науки (Философия и культурология). – 2006. Вып. 7 (58). – С. 92-95.

¹⁰ Генкин Д.М. Массовые праздники. – М.: Просвещение, 1975. – 44 с.

¹¹ Ўша ерда.

қимматли бойликларни ўзида уйғунлаштиради»¹², деб фикр юритади А.И.Арнольдов.

Миллий байрамлар миллат қиёфасини акс эттириб, халқнинг урф-одат ва анъаналарини намойиш этади, уларни қадрият даражасига қўтариб, улуғлашга, асраб, кейинги авлодга топширишга ўргатади. Шу билан бирга, миллий байрамлар мазмуни, бадиий-эстетик хусусиятларига кўра фалсафий мақомга эга бўлган, оммавий томоша даражасидаги ижтимоий-маънавий ҳодиса ҳисобланади. Чунки, байрамлар миллатнинг олам ҳамда инсон ҳақидаги қарашларини, тасаввури, тафаккури ва миллий қадриятларини бадиий образлар орқали акс эттириш қурдатига эга. Бундан ташқари, байрамлар одамларни бошқа ҳаётий ҳодисалардан ажратиб турадиган ўзига хос эстетик англаш таркибини ташкил этувчи – эстетик мушоҳада, эстетик завқ, эстетик қизиқиши, эстетик дид ҳамда эстетик идеалларни шакллантириши баробарида халқчиллик, оммавийлик, қаҳрамонлик, гўзаллик, улуғворлик каби тамойиллардан ташкил топган миллий ғуур ҳамда миллий ифтихор каби туйғуларни шакллантиради ҳамда мустаҳкамлади.

Ўзбек халқининг миллий байрамлари дейилганда, халқимиз ҳаёти ва турмушига сингиб кетган; тарихий тараққиёт давомида авлоддан-авлодга маданий мерос бўлиб ўтган; муайян давр тақозосига кўра, миллат жипслигини таъминлаган; унинг кайфиятини кўтариш мақсадида маълум вақт ичида мунтазам уюштирилиб туриладиган маданий-оммавий тадбирлар тизими тушунилади. Бундай ахлоқий ва эстетик қиёфани ўзида мужассам этган миллий байрамлар доимо халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғлаб турувчи мухим фалсафий омил бўлиб хизмат қилиб келган. Шундай экан, биз ўзбек халқи миллий байрамларининг қадимий ва замонавий тамойиллари уйғунлигига эътибор қаратишимиш, уларнинг ҳаётбахшлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ҳамиша рационал фаолият олиб боришимиз даркор. Ўзбек халқининг миллий байрамлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бир-биридан фарқ қиласидиган, ўзига хос гўзал эстетик қадриятларни намоён этадиган этноэстетик воқеликдир. Сабаби, миллий байрамлар таркиби умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган мақсадли маросимлардан иборат бўлиб, уларда барча миллатлар учун зарур бўлган ахлоқий ва эстетик ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган.

Бизнинг фикримизча, ўзбек халқининг миллий урф-одат, маросим ва анъаналарига асосланган байрамлари гўзаллигини турмуш тарзи тараққиётининг барча босқичларида; мавсумий меҳнат жараёнлари билан боғлиқ маросимларда; оиласиий маросимларни акс эттирувчи тантаналарда; табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ диний маросимлардаги табиат ва инсон уйғунлигига асосланган мезонларда; умуминсоний эстетик мазмун билан бойитилган улуғворлигига кўрамиз. Демак, давр синовларидан

¹² Арнольдов А.И. Человек и мир культуры. Текст: Введение в культурологию / А.И. Арнольдов. – М.: Изд-во МГИК, 1992. – 240 с.

үтиб, табиатни эъзозлаш, меҳнатни улуғлаш, инсонни қадрлаш каби умуминсоний мазмунга эга бўлган миллий байрамлар, сунъий равишда юзага келтирилган тўсиқларга бардош бериб, қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали ривожланиб, такомиллашиб, бадиий жиҳатдан бойиб, маънавий ва эстетик қадрият сифатида бизгача етиб келган.

Диссертациянинг «Миллий байрамлар ва эстетик категорияларнинг диалектикалоқадорлиги» деб номланган иккинчи бобида миллий байрамлар бадиий унсурларининг эстетика категорияларида намоён бўлиши фалсафий нуқтаи-назардан ўрганилиб, миллий байрамларда санъат турлари уйғунлашуви ва уларнинг эстетик категориялар билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда миллий байрамларнинг эстетик функциялари ва бадиий тамойиллари илмий асосланган.

Миллий байрам феномени мамлакат ижтимоий-маданий воқелигининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Сабаби, замонавий байрамлар ижтимоий ҳамда мафкуравий ғояларни оммага етказиш усули сифатида ҳам тушунилади ва қўлланилади. Демак, байрамлар турли хил ижтимоий функцияларга эга. Улар, биринчи навбатда, жамоатчилик онгини шакллантириш ва жисплаштиришга, иккинчидан кишиларнинг ахлоқий-эстетик дунёқарашини юксалтиришга хизмат қиласди. Шунингдек, байрам жамоанинг эстетик ва бадиий фаолият шакли бўлиб, тўғридан-тўғри ижтимоий-маданий воқелик ривожига асос бўлади. Миллий байрамларнинг энг муҳим жиҳати уни омма орасида муқаддас ҳисобланишидир. Сабаби, улар миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланиб, эстетик завқ ва ҳаётбахшийлик улашиши билан доимо гўзаллик ва улуғворлик рамзи бўлиб келган. Шунинг учун социолог И.Хренов байрамлар шаклидаги томошаларни «келажакнинг мулоқот тили»¹³, Э.В.Соколов эса байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятини «Миллий анъаналарни тиклаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлаши билан қимматли»¹⁴, деб фикр билдиради. Бу фикрларга биз ҳам тўлиқ қўшиламиз. Чунки, миллий байрам иштирокчиларининг онгли, мақсадли фаоллиги, тантананинг ғоявий-бадиий томошавийлигига ижобий таъсир ўтказади ва уларни гўзаллик ҳамда улуғворлик туйғусига ошно қиласди, эртанги кунга ишонч пайдо қиласди, завқ билан яшашга ундейди. Демак, миллий байрамлар даврнинг эҳтиёжи ва тадбирнинг шаклидан келиб чиқиб, томошанинг таркибий қисми сифатида намоён бўладиган анъана, маросим ҳамда санъат турларидан мақсадга мувофиқ фойдаланади. Энг муҳими, нишонланаётган байрам мазмунини ёритишида «байрам кайфияти» назариясига таяниб, иш олиб борилади. «Байрам кайфияти» миллат ва инсониятга хос бўлган умум туйғуларни ўзида қамраб олади. Улардан бири фақат инсонга хос бўлган эстетик туйғу завқдир. Завқ олимлар томонидан табиий-биологик ҳодиса сифатида ўрганилган.

Миллий тантаналарнинг эволюциясини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, байрамлар – анъана, маросимларни мунтазам такрорланиб

¹³ Немиров О. В. Праздничный город. – Л.: Художник РСФСР, 1987. – 187 с.

¹⁴ Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. – Л.: Наука. ОТД.Лениниздат, 1977. – 85 с.

туришини таъминлайдиган тадбирлар бўлиб, ўз даври мафкурасини элат, миллат, халқнинг қалби ва онгига бадиий шаклда, эстетик қадрият даражасида сингдирадиган, ижтимоий-мафкуравий ҳодисаларнинг оммавий томоша ёки сайл шакли.

«Анъана», «маросим» тушунчалари миллий байрам атамаси билан моҳиятган боғлиқ бўлган эстетик қадриятлар бўлиб, улар байрамлар ижтимоий-маънавий ҳодисага айланишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, анъана миллатнинг «Тарихан тўплаган маънавий қадриятларини келгуси авлодларга узатиш (бериш) воситаси. Анъанага айланган расм-руслар, урф-одатлар, маросимлар, удумлар, кўнилмалар, малакалар миллатнинг турмуш тарзи ҳақида фикр юритилгандагина аниқ маъно касб этади»¹⁵.

«Анъана», «маросим» тушунчалари, ўз навбатида, қотиб қолган, «стандарт» эстетик қадриятларнинг ифода воситалари эмас. Улар мазмуни халқ турмуш тарзи ва эстетик эҳтиёжларининг таъсири натижасида узлуксиз ўзгариб, такомиллашиб, бойиб борадиган жараёндир. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса кишилар ҳаётини акс эттиради, у билан бирга яшайди, ўзгаради, такомиллашади ёки йўқ бўлиб кетади. Ўз даврини яшаб бўлган ҳодиса эса ўрнини бошқа, янги мазмундаги ҳодисага бўшатиб беради. «Анъана» ва «маросим» ҳам худди шундай диалектик ўзгаришларни бошидан кечиради. Байрамлар халқнинг миллий ўзига хослигини сақлаган ҳолда такомиллашиб боради.

«Томоша» тушунчаси «байрам»нинг таркибий қисми бўлиб, мавзу ҳамда муайян ғояни кишилар онги ва қалбига сингдиришда қўлланиладиган бадиий шаклдир. Бизнингча, ҳозирги глобаллашув, индивидуаллик ҳамда прагматизм даврида ўз режаси билан банд одамларга турли шакл ва мазмундаги жонли мулоқот етишмайди. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, байрамлар келажакнинг мулоқот тили бўла олади. Чунки, оиласидан байрамларда, қариндош-уруғлар йиғилганда, оммавий байрам ва сайлларда инсонлар бир-бирлари билан жонли мулоқотга интиладилар.

Мунтазам нишонланадиган миллий байрамлар жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни юксалтириш билан бир қаторда инсоннинг эстетик дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Шу боисдан, Ўзбекистонда нишонланадиган оммавий тадбирларда барча санъат турларининг ўзаро синтезлашган кўринишдаги тантанавор, ўзбекона шакли жаҳон маданиятшунослари ва байрамшунослари томонидан «Янги шаклдаги театрлашган, мусиқали-хореографик бадиий композиция» сифатида эътироф этилди¹⁶. Ўзбекона шаклдаги замонавий байрамларда хужжатли публицистика ва бадиий образлилиқ ўзаро бирлашиб, синтезлашган тадбир томошасига миллийлик, ғоявийлик, улуғворлик, бадиий-ифодавийлик,

¹⁵ Фалсафа. Қомусий лугат. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Н.Назаров.). – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 32 б.

¹⁶ Корабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 16 б.

теранлик ва эстетик таъсирчанлик бағищамоқда. Шунингдек, мақсадга мувофиқ жамланган ва синтезлашган санъат турлари натижасида пайдо бўлган завқли туйғулар байрам томошаларининг бадий улуғворлигини таъминлаб, минглаб томошабинларни гўзаллик оламига олиб киради.

Миллий байрамларимиз мавсумий ҳам бўлиб, уларнинг ғоявий-маънавий илдизлари инсонларнинг кундалик меҳнати; моддий ва маънавий турмуш тарзи; маданияти ҳамда санъати; иклим шароитларига мос дилни яйратадиган хусусиятлари асосида эволюцион тарзда ривожланиб борган. Шу жиҳатдан байрамлар халқнинг бадий-эстетик дунёқарашини ифодаловчи юксак қадриятларни, дилни яйратувчи ўзига хосликни араган ва уларни келгуси авлодларга етказувчи восита сифатида ижтимоий-эстетик ворислик функциясини бажарган. Бу борада, Farb фалсафаси антропологияси ва социологияси инсоният турмуш тарзида урф-одат, анъана, байрамларнинг роли юзасидан кўплаб муаммоларни илмий, асосли, холис тадқиқ этиб, улар халқни уюштирувчи, жипслаштирувчи ҳамда экстремал ҳалокат вақтида кутқариб қолувчи ижобий-ижодкор кучга эга эканлигини таъкидлайди¹⁷. Шунингдек, Farb олимлари «халқ, миллатнинг ўзига хослигини, борлигини сақлаб қолувчи, ворисий келажакка етказувчи – «ижодкор ва бўйсунмас руҳи» (Э.Дюргегейм)»¹⁸, яъни анъана, урф-одат миллий турмуш тарзини келгуси авлодга етказувчи восита эканлигини ижобий баҳолашга эришганлар. Демак, миллий байрамларнинг ижтимоийлик функцияси шахсни кундалик ҳаётда фаол бўлишга; ижодий имкониятларини очишга; санъат турлари орқали ўз истеъдодларини намоён қилишга; интеллектуал салоҳиятини жамият равнақига сарфлашига; жамоа манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйишга ўргатишидир.

Бизнинг фикримизча, нишонланаётган миллий байрамларда ифодаланган бадий воситалар унсурлари; эстетик категорияларга асосланган безаклар; миллий рамзларнинг диалектик уйғунлигини намоён қилган яхлитлик тадбир иштирокчилари онги ва қалбидан ўрин олган. Сабаби, халқимизнинг қалби, дили, завқи, руҳи билан боғлиқ ҳолда нишонланаётган миллий байрамларнинг умумий савияси, бадий ва ташкилий тайёргарлик томонлари мафкуравий масала бўлганлиги учун давлат ҳамда юртбошимиз эътиборида бўлди ва диалектик уйғунликда ривожланиб борди.

Шунинг учун, миллий байрамлардаги халқчиллик, байналмилаллик, умуминсонийлик, тарихийлик каби тамойиллар фалсафий моҳиятга эга. Бу моҳият омманинг қалбига тантанаворлик, гўзаллик ва улуғворлик касб этди. Байрамшунослар ва оммавий тадбир мутахассислари изланишлари натижасида такрорланмас, фақат ўзбекларга хос театрлашган бадий шакл яратилди.

Диссертациянинг «Миллий байрамларнинг шахс бадий-эстетик

¹⁷ Осипова О.А. Американская социология о традициях в странах Востока. – М.: Наука, 1985; Ежи Щацкий. Утопия и традиция. – М.: Прогресс, 1990. – 455 с.

¹⁸ Новейший философский словарь. – М.: Мысль, 1998. – 95 с.

тарбиясидаги назарий ва амалий аҳамияти» деб номланган учинчи бобида миллий байрамлар ёш авлоднинг санъат, мусиқа, спорт соҳасидаги истеъдодини рӯёбга чиқарувчи эстетик омил эканлиги ҳамда Ўзбекистон байрамларининг миллий, минтақавий ва умуминсоний эстетик қадрият сифатида қарор топиши билан бирга юртимизда кечәётган ижтимоий ҳамда маънавий ўзгаришларнинг миллий байрамлар билан диалектик алоқадорлиги фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

Ўзбекистон – азалдан илм-у маърифат, адабиёт ва санъат равнақ топган макон. Халқимиз маънавий манбалардан куч-қувват, рағбат олиб, илхомланиб, яратувчанлик, бунёдкорлик, гўзаллик, эзгулик каби фазилатларни ўзида мужассам этган ҳолда юксалиш ва тараққиёт йўлидан дадил, шахдам қадам ташлаб келмоқда. Булар миллий байрамларнинг мавзу ва ғоясида яққол кўзга ташланади. Миллий байрамлар тантанаси учун танлаб олинган куй, қўшиқ-яллалар, айниқса, нафис ва мафтункор рақслар, синтезлашган санъат турлари тадбирнинг ҳар дақиқасини безаб, турмуш тарзимизни янада мазмундор, фаровон бўлишида илхомбахш бадиий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

